

**Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг
2022 йил фаолияти якунлари бўйича
МАЪЛУМОТ**

I. Ишлаб чиқариш.

2022 йил якунига кўра маҳаллий корхоналар томонидан **умумий қиймати 4,1 трлн. сўмлик** фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва ишлаб чиқариш ҳажми 2021 йилнинг шу даврига нисбатан **114 фоизга** ўсди.

2022 йилда **18 та** фармацевтика лойиҳалари ишга туширилди, **335 турдаги** дори воситалари, **86 турдаги** тиббий буюмлар, **13 турдаги** тиббий техника, шу жумладан, стоматология, онкология, токсикология ҳамда пульмонология гуруҳларига кирувчи дори воситаларини маҳаллийлаштириш даражаси ошди.

Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган маҳсулотлар бўйича 2022 йил якунига кўра **2.2 трлн. сўмлик** маҳсулотлар ишлаб чиқарилди, режага нисбатан ўсиш суръати **116 фоизни** ташкил этди.

II. Фармацевтика корхоналари ва ташкилотлари.

2022 йил якуни ҳолатига республикамызда жами Бугунги кунда республикамызда жами **220 та** фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Хусусан, **87 таси** дори воситалари, **37 таси** тиббий техника, **96 таси** тиббий буюмлар **ишлаб чиқаришга**, **148 та** дорихоналар дори воситаларини **тайёрлашга** ихтисослашган.

Шу билан бирга, **573 та** улгуржи реализация билан шуғулланадиган ташкилотлар ва **15799 та** дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фаолияти билан шуғулланувчи дорихоналар ва уларнинг филиаллари мавжуд.

III. Инвестиция фаолияти бўйича.

Соҳада инвестиция дастурига киритилган **42 та** инвестицион лойиҳалар доирасида 2022 йил якунида **83,3 млн. доллар** инвестиция маблағлари (шу жумладан, **33,9 млн. долл.** тўғридан-тўғри инвестициялар) ўзлаштирилди (режага нисбатан **100,2 фоиз**) ҳамда умумий қиймати **31,5 млн. долларлик 10 та** лойиҳа ишга туширилиши натижасида **437 та** янги иш ўринлари яратилди.

IV. “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери.

“Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерининг sanoat ҳудудида **209,8 млн. долларлик 9 та** инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. “Наема Tech Limited” (Хитой) компанияси томонидан **96,5 млн. долларлик** “Қон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган фармацевтика заводи ва тармоқ клиник диагностика лабораториясига эга плазма марказлари тармоғини қуриш” лойиҳаси

ҳамда “Kusum Healthcare” (Ҳиндистон) томонидан **10,8 млн. долларлик** “Қаттиқ шаклдаги препаратлар ишлаб чиқариш учун замонавий комплекс қуриш” лойиҳаси

V. Савдо айланмаси бўйича.

Экспорт. 2022 йил йил якунига кўра **150,61 млн. долл.** фармацевтика маҳсулотлари, доривор ўсимликлар, биологик фаол қўшимчалар ва хизматлари экспорти амалга оширилди. Прогнозга нисбатан режа **100,4 фоизга** бажарилди.

Экспорт географияси **34** тадан **39 та** давлатга етказилди. Жорий йилда **5 та** янги давлатлар бозори ўзлаштирилди (**Яман, Эстония, Словакия, Польша, Хитой**).

Импорт. 2022 йилда республика ҳудудига **1,3 млрд. долларлик** дори маҳсулотлари **импорт** қилинди.

VI. Халқаро стандартларни жорий этиш бўйича.

220 та фармацевтика корхонадан **103 таси (46 фоизи)** халқаро ва миллий стандартлар жорий қилган, жумладан **59 та** корхонада **ISO 9001:2008**, **6 та** корхонада **ISO 13485** халқаро стандарти, **40 та** корхонада **GMP** стандарти жорий қилинди.

Шунингдек, улгуржи реализация билан шуғулланадиган **34 та** корхонада **GDP** стандарти ҳамда **1 та** (“Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази” МЧЖда) **GLP** стандарти жорий қилинди.

VII. Халқаро ҳамкорлик бўйича.

2022 йилнинг ўтган даврида **30 дан ортиқ** Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларда ўтказилган форум, кўргазма, саммит ва бошқа тадбирларда Агентлик иштирок этиб шулардан **15 дан ортиқ** форум ва кўргазмалар доирасида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг иштироки таъминланиб, жами **18 та меморандум ва битимлар имзоланди.**